O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA SANOAT
VAZIRLIGI

100003, Toshkent, Islom Karimov ko‘chasi, 45-A
Tel.: 998 71 232-63-20. Faks: 998 71 232-63-72
Veb sahifa: www.mineconomy.uz
Elektron pochta: info@mineconomy.uz

МИНИСТЕРСТВО ЭКОНОМИКИ
И ПРОМЫШЛЕННОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Ташкент, ул. Ислама Каримова 45-А, 100003
Тел.: 998 71 232-63-20. Факс: 998 71 232-63-72
Веб сайт: www.mineconomy.uz
Электронная почта: info@mineconomy.uz

2020 у. «26» 02 № 4-3/20-9-1 «___» __________ 20__ г.

**Босма ва электрон оммавий**
**ахборот воситаларига**
*(рўйхат бўйича)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 24/1-4676-сон топшириғи ва Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан тасдиқланган Медиа режа (16.01.2020 й. 14/2-266-сон)нинг 32-бандига мувофиқ Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Европа Иттифоқининг “Switch Asia” дастури ташаббуси билан “Яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнида барқарор истеъмол қилиш ва ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш” мавзусида икки кунлик миллий семинар ўтказилиши режалаштирилган.

Шу муносабат билан, мазкур тадбир кун тартибидаги масалаларнинг мазмун-моҳиятини Сиз раҳбарлик қилаётган оммавий ахборот воситаси орқали ёритилишида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Семинар **2020 йил 3-4 март кунлари** Wyndham меҳмонхонасида бўлиб ўтади. Тадбир дастури илова қилинади.

Илова __ варақда.

**Вазирнинг**
**биринчи ўринбосари** **О.Б. Рустамов**

Мурожаат учун телефонлар:
71-232-62-23, 71-232-63-48

**Ўзбекистоннинг яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнида барқарор истеъмол қилиш ва ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш масалаларига бағишланган миллий семинари**

***Ўтказиладиган кун:*** *2020 йил 3-4 март*
***Ўтказиладиган жой:*** *Wyndhat меҳмонхонаси*
***Тил:*** *рус ва инглиз*
***Модераторлар:*** *Arab Hoballah ва Zulfira Zikrina, SWITCH-Asia Дастури*

Тадбир дастури

| **БИРИНЧИ КУН (3 март)** | |
|---|---|
| 08:30 – 09:00 | **Қатнашчиларни рўйҳатга олиш** |
| 09:00 – 09:20 | **Кириш сўзи**<br>- Иқтисодиёт ва саноат вазири ўринбосари<br>- Элчи, Европа иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги Делегацияси раҳбари |
| 09:20 – 10:10 | **Кириш қисми**<br>- SWITCH-Asia дастурининг яшил иқтисодиётга ўтиш ҳамда барқарор ривожланишга таъсири, тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишда грант лойиҳаларининг зарурияти, SWITCH-Asia гуруҳи раҳбари – Arab Hoballah, 20 дақиқа.<br>- Барқарор истеъмол қилиш ва ишлаб чиқаришнинг баҳолаш натижалари, муаммалар, имкониятлар ва янги грант лойиҳалари билан алоқалари, SWITCH-Asia Дастурининг Марказий Осиёдаги эксперти Zulfira Zikrina, 15 дақиқа.<br>- Савол-жавоб, 15 дақиқа. |
| 10:10 – 11:00 | **Ўзбекистондаги барқарор истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш (БИИ) билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва экологик сиёсат**<br>*Ўзбекистондаги яшил иқтисодиёт сиёсати, асосий мақсадлари ва БИИ билан алоқаси*<br>• Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бошқармаси бошлиғи, 15 дақиқа.<br>• Тадбиркорлик субъекти вакили, 10 дақиқа.<br>*Минтақавий/халқаро институтларнинг Ўзбекистондаги иқтисодий ва экологик дастурлари ва уларнинг БИИга муносабати*<br>• CAREC вакили, 10 дақиқа.<br>• Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакили, 10 дақиқа.<br>- Савол-жавоб, 15 дақиқа. |
| 11:00– 11:20 | **Кофе-брейк** |
| 11:20 – 13:20 | **БИИдаги 3 та устувор йўналишларда чора-тадбирларни шакллантириш**<br>БИИ йўналишидаги қонунчиликни такомиллаштириш, маҳсулот ва хизматларни экологик маркировкалаш, биноларни энергетик сертификатлаш. Мазкур 3 та йўналиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинади ва мақсадлар аниқланиб олинади. |
| 13:20 – 14:00 | **Хулосалар** |
| 14:00 | **Тушлик** |

| | |
|---|---|
| **SWITCH-Марказий Осиё грант лойиҳалари тадбири** | |
| 15:00 – 16:00 | **Тадбир очилиши ва кириш сўзи:** Европа иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги Делегацияси раҳбари<br><br>**Минтақада ва мамлакатларда БИИни ташкил этиш**<br>*Эвропа Иттифоқининг сиёсати ва Марказий Осиёнинг миллий стратегиялари - грант лойиҳаларининг таркибий асоси сифатида.*<br><br>**SWITCH-Asia дастурининг устувор йўналишлари**<br>Грантларни намойиш эти шва муҳокама қилиш. |
| 16:00 – 18:00 | **Ғолиб деб топилган лойиҳаларнинг тақдимоти ва таҳлили**<br>*Ҳар бир лойиҳанинг қисқа сессиялари учун 5 дақиқадан.*<br>*Ўхшашликлар ва ҳамкорлик учун имкониятлар, шунингдек Европа Иттифоқи, мамлакатлар ва SWITCH-Asia дастурининг мақсадларига ҳисса қўшиш.* |
| 18:00 – 18:30 | **Хулосалар** |
| **ИККИНЧИ КУН (4 март)** | |
| 8:30 – 9:00 | **Қатнашчиларни рўйҳатга олиш** |
| 9:00 – 10:45 | **Грант лойиҳаларини жорий этиш жараёни**<br>*Европа Иттифоқи ҳисоботи ва бошқа маъмурий талаблари*, ЕИ делегацияси, 20 дақиқа<br><br>**Лойиҳаларни жорий этишда самарали алоқани йўлга қўйиш**<br>*SWITCH-Asia алоқалари, Дастур томонидан зарур қўлланмалар, 20 дақиқа* |
| 10:45 - 11:00 | **Кофе-брейк** |
| 11:00 - 12:30 | **Грант лойиҳалар: БИИ мақсадлари тўғрисида ҳисобот**<br>Лойиҳалар ва Барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари ўртасидаги боғлиқлик ва амалий мисоллар |
| 12.30-12.45 | **Хулосалар** |
| 12:45 – 14:00 | **Тушлик** |
| 14:00 – 17:00 | **Коммуникация бўйича ўқув семинари**<br><br>**Ишончли янгиликлар тайёрлаш; ижтимоий тармоқ маркетинги; маълумотлар журналистикаси – маълумотларни самарали ёритиб бериш.** |
| 17:00 – 17:30 | **Хулосалар** |